

8-1-2018

THE IMPORTANCE OF PROFIT TO MAINTANING STABILITY OF BANK CAPITAL

M. Egamova

Tashkent Financial institute

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance>

Recommended Citation

Egamova, M. (2018) "THE IMPORTANCE OF PROFIT TO MAINTANING STABILITY OF BANK CAPITAL," *International Finance and Accounting*: Vol. 2018 : Iss. 4 , Article 26.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2018/iss4/26>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in International Finance and Accounting by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

**Эгамова М.Э. - ТМИ,
катта ўқитувчи**

БАНК КАПИТАЛИ БАҲҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА ФЙДАНИНГ АҲАМИЯТИ

Мақолада мамлакатимиз банк капитали ҳолати таҳлил этилган, унинг ҳажмини оширишда молиявий манбалар, хусусан, фойданинг аҳамияти тадқиқ этилган ҳамда бу борада муаллифнинг тавсиялари берилган.

Калит сўзлар: банк, банк активи, банк депозити, банк капитали, банк фойдаси, девальвация захираси.

В статье проанализирован совокупный капитал банковской системы, финансовые источники его увеличения в частности изучена роль прибыли, а также сформированы некоторые предложения по данному вопросу.

Ключевые слова. Банк, банковские активы, банковские депозиты, капитал банка, доходы банка, резервы на девальвацию.

The article analyzes the aggregate capital of the banking system, financial sources of its increase, in particular, the role of profit has been studied, and some proposals on this issue have been formed.

Keywords. Bank, bank assets, bank deposits, bank's capital, bank's revenues, reserves for devaluation.

Кириш.

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “банкларнинг капиталлашув даражаси ва депозит базасини ошириш, уларнинг молиявий баҳқарорлиги ва ишончлилигини мустаҳкамлаш” масаласи устувор вазифалардан бири сифатида белгилаб қўйилган[1]. Мазкур вазифаларни ўз вақтида ва самарали бажариш мақсадида Ўзбекистон Президентининг 2017 йил 12 сентябрдаги «Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва баҳқарорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3270-сонли қарори билан 2017 йилнинг 1 октябридан устав капиталининг (фондининг) минимал миқдори янги ташкил этиладиган:

тижорат банкларига — 100,0 млрд.сўм;

микрокредит ташкилотларига — 2,0 млрд. сўм;

ломбардларга — 500 млн.сўм этиб белгиланди.

Тижорат банклари, микрокредит ташкилотлари ва ломбардлар 2019 йилнинг 1 январигача устав капиталларининг минимал миқдорларини мазкур бандга мувофиқ белгиланган минимал талаблар даражасига келтирилиши алоҳида вазифа сифатида белгилаб берилди.

Халқаро банк амалиётидан маълумки, тижорат банкларининг тўловга қобиллиги ва ликвидлигини таъминлашнинг бирламчи воситаси уларнинг капитал базасини мустаҳкамлаш ҳисобланади. Ўз навбатида, тижорат банкларининг капитал базасининг мустаҳкамлаш қатор молиявий манбалар

ҳисобидан, хусусан, банкнинг фойдаси ҳисобидан ошириб бориш муҳим ҳисобланади.

Айни вақтда, республикамиз тижорат банклари капитали барқарорлигини таъминлаш борасида ечимини топиш лозим бўлган бир қатор масалалар мавжуд. Хусусан, капитал таркибида беқарор манбалар мавжудлиги, айрим банкларда капиталнинг минимал даражасидан пастлиги ва бошқалар шулар жумласидандир. Қуйидаги жадвалда мамлакатимиз банклари капитали ҳақида умумий маълумот ва улуши келтирилган.

1-жадвал

**Ўзбекистон тижорат банклари капитали ва улуши[4]
(2018 йил 1 январь ҳолатига)**


№	Банкларнинг номи	млрд сўм	улуши, фоизда
<i>Давлатулушимавжудбанклар</i>		16 672	81%
1	Ўзмиллийбанк	4 807	23,2%
2	Асака банк	3 083	14,9%
3	Ўзсаноатқурилишбанки	2 241	10,8%
4	Ипотека банк	1 258	6,1%
5	Қишлоққурилиш банк	1 168	5,7%
6	Халқ банки	1 351	6,5%
7	Агробанк	1 374	6,6%
8	Алоқа банк	398	1,9%
9	Микрокредит банк	546	2,6%
10	Турон банк	369	1,8%
11	Ўзагроэксспортбанк	76	0,4%
<i>Бошқабанклар</i>		4 005	19%
12	ЎзКДБ банк	528	2,6%
13	Ҳамкор банк	573	2,8%
14	Ориент Финанс банк	474	2,3%
15	Капитал банк	339	1,6%
16	Ипакйўли банк	366	1,8%
17	Траст банк	220	1,1%
18	Инвест Финанс банк	333	1,6%
19	Азия Алянс банк	243	1,2%
20	Савдогар банк	168	0,8%
21	Давр банк	93	0,4%
22	Зираат банк	216	1,0%
23	Туркистон банк	40	0,2%
24	ЭронСодерот банк	273	1,3%
25	Универсал банк	34	0,2%
26	Равнақ банк	37	0,2%
27	Хай-Тек банк	47	0,2%
28	Мададинвест банк	22	0,1%
Жами		20 676	100%

1-жадвал маълумотларидан тижорат банклари жами капитали 20,7 трлн сўмни ташкил этганлигини кўришимиз мумкин, унинг 16,7 трлн сўми ёки 81 фоизи капитал таркибида давлат улуши мавжуд банклар ҳиссасига тўғри келаяпти.

Эътиборли жиҳати шундаки, агар 2018 йил 1 январ ҳолатига давлат улуши мавжуд банклар 11 тани ташкил этган бўлса, уларнинг ичидан капиталнинг асосий улуши, яъни 48,9 фоизи “Ўзмилийбанк”, “Асака банк” ва “Ўзсаноатқурилишбанк” ҳиссаларига тўғри келган.

1-жавдал маълумотларидан кўриш мумкинки, қатор банклар (Давр банк, Туркистонбанк, Универсал банк, Равнақ банк, Хай-Тек банк, Мадад инвест банк) 2019 1 январга қадар устав капиталини 100,0 млрд сўмга чиқаришлари бўйича тегишли чора-тадбирларни кўришлари лозим, акс ҳолда улар капиталнинг минимал даражасини бажармаганлиги туфайли Марказий банк тегишли қарорларни қабул қилишга сабаб бўлади.

Молиявий таҳлиллар натижаси шуни кўрсатмоқдаки, кейинги йилларда тижорат банклари мамлакатимиз реал секторини кредитлашда, инвестицияларни йўналтиришда фаол молиявий муассаса сифатидаги иштироки долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Бунинг асосий сабабларидан бири уларнинг жами активлари, жами капитал ва жами депозитларининг мамлакат ЯИМга нисбатан даражаси жуда пастлигича қолаётганидир, буни қуйида келтирилган расм маълумотларидан кўришимиз мумкин.



1-расм. Банкларнинг бруттоактивлари, кредитлари ва капиталининг мамлакат ЯИМга нисбати¹, (ҳисобот йилининг охирига).

1-расмдан кўриниб турибдики, мамлакатимиз тижорат банклари жами активлари ва депозити мамлакат ЯИМга нисбати 2013 йилда 2017 йилга нисбатан ортиб бориш тенденциясига эга бўлган бўлса-да, жами капитал эса 2017 йилда мамлакат ЯИМга нисбатан тахминан 4,5 фоизни ташкил этган бўлиб, ўтган даврларга нисбатан сезиларли даражада пасайиш тенденциясига эга бўлган.

Бизнинг фикрмизча, мамлакатимиз тижорат банклари жами активлари, капитал ва депозитлар суммасининг мамлакат ЯИМга нисбатан бу даражада пастлиги нафақат уларнинг миллий иқтисодиёт реал секторини кредитлашдаги

¹Марказийбанкнинг маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган

имкониятларини пасайтириши, балки аҳоли, инвесторлар, мижозлар ва банкларнинг бошқа ҳамкорларининг уларга бўлган ишончини пасайишига олиб келиши мумкин.

Одатда, ҳар қандай ҳолатга баҳо бериш ёки тегишли хулосаларни шакллантиришда уни таққослаш орқали амалга оширилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Шу жиҳатдан, банкларнинг асосий кўрсаткичларини мамлакат ЯИМга нисбатини таҳлил этадиган бўлсак, уларда активлар, кредитлар ва капиталнинг мамлакат ЯИМга нисбати, мос равишда 100-350, 80-200 ва 10-12 фоизни ташкил этади[7].

Бизга маълумки, тижорат банклари капитали банк акциядорлари маблағлари ва бошқа манбалар ҳисобидан шакллантирилади, ушбу манбалар таркибида фойданинг ўрни ва аҳамияти муҳим роль ўйнайди, чунки банк фойдаси барқарор, нисбатан арзон ва қисқа муддатда капитал ҳажмини ошириш имкониятини берувчи манба ҳисобланади. Бироқ, мамлакатимиз тижорат банклари капиталини шакллантиришда банк фойдасининг имкониятларидан кенг фойдаланиш масалалари долзарблигича қолмоқда, аксинча айрим йирик тижорат банкларида беқарор манбаларнинг улуши сезиларли даражада сақланиб қолмоқда. Хусусан, девальвация захираси шулар жумласидандир. Девальвация захираси банкнинг устав капитали таркибига киритилган хорижий валюта суммаси ҳисобидан инвестиция қилган ёки кредитлар бергандамиллий валюта курсининг чет эл валютасига нисбатан курси ўзгариши оқибатида қайта баҳоланади ва фарқи суммаси сифатида вужудга келади.

Марказий банкнинг “Тижорат банклари капиталининг монандлигига қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги Низомига (ЎзР. АВ 06.07.2015 й. 2693–сон) кўра девальвация захираси тижорат банкларининг асосий капитали таркибига киритилган бўлиб, банк фаолиятини молиялаштиришнинг нисбатан барқарор манбаи ҳисобланмайди. Жаҳон Тикланиш тараққиёт банки эксперти Крис Барлтроп таъкидлаганидек: «Банк капитали банк фаолиятини молиялаштиришнинг ишончли ва нисбатан қиммат шаклидир»[8]. Мазкур масала мамлакатимиз иқтисодчи олимлари томонидан эътирозли ҳолат эканлиги таъкидланса-да, бугунки кунда ўзининг ечимини топмасдан келмоқда[6]. Шунинг учун тижорат банки балансида девальвация захираси ҳисобига вужудга келган суммани қўшимча капитал таркибига киритилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Республикамиз тижорат банклари капитали таркибида эмиссион даромад мавжуд эмаслиги тижорат банклари томонидан муомалага чиқарилаётган қимматли қоғозлар иккиламчи бозорини етарли даражада ривожланмаганлиги ҳамда уларга доимий равишда олди-сотди муомалаларининг объекти сифатида қаралмаётганлигидан далолат беради.

Ваҳоланки, кўпгина хорижий мамлакатлар тижорат банклари капитали таркибида эмиссион даромад суммаси сезиларли салмоғини эгаллайди. Масалан, АҚШ, Буюк Британия ва Япония мамлакатларининг тижорат банклари томонидан муомалага чиқарилаётган қимматли қоғозлар эмиссияси миқдори ва уларнинг молия бозорларида олди-сотди қилишдаги иштироқи нуқтаи назаридан ҳукуматдан кейин иккинчи ўринда туради.

Мамлакатимизнинг йирик тижорат банкларида кассали активлари улушининг сезиларли даражада юқори эканлигини кузатиш мумкин. Бизнинг фикримизча, бу ҳолат тижорат банкларининг ўз миждозларини нақд пулга бўлган талабини қондириш нуқтаи назариданиждобий ҳолат ҳисобланади. Лекин, тижорат банклари фаляиятининг самарадорлиги, даромад олиш нуқтаиназаридан салбий ҳолат сифатида баҳоланади. Чунки, тижорат банки активлари таркибида юқори рискли активлар салмоғининг нисбатан кичиклиги умумий капитал етарлилик даражасининг нисбатан юқори бўлишига олиб келади. Активларнинг риск даражаси юқори бўлса, уларнинг даромадлилик даражаси шунчалик юқори бўлади. Шунинг учун ҳам умумий капитал етарлилигининг юқори даражаси банк активлари даромадлилигининг паст даражада эканлигидан далолат бериши мумкин.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 сентябрдаги «Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5177-сонли Фармонининг қабул қилиниши бу борадаги қатор муаммоларни ечиш имкониятини бермоқда. Хусусан, ҳозирги пайтда банкларга нақд пулларни жалб қилиш, миждозларга нақд пулларни бериш бўйича назоратни юмшатилиши, деярли бекор қилиниши келгусидаги бу борадаги муаммоларнинг ечимига хизмат қилади, деган фикрдамиз.

Бундан ташқари, халқаро банк амалиётида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар уларнинг фойдасини оширишда муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, уларнинг ичида хужжатлаштирилган аккредитив шулар жумласидандир, бироқ, мамлакатимиз тижорат банкларида нақд пулсиз ҳисоб-китобнинг ушбу шаклидан фойдаланиш даражаси пастлигича қолиб келмоқда. Бунинг асосий сабаби шундаки, республикамиз банк амалиётида асосан таъминланган аккредитивлардан фойдаланилмоқда, яъни бизнинг банклар аккредитив бўйича тўловларни амалга оширишда, асосан, 22602-сонли «Аккредитив бўйича миждозларнинг депозитлари» ҳисобварағидан фойдаланишмоқда.

Таҳлил ва натижалар.

Юқорида амалга оширилган таҳлиллар ва ўрганишлар асосида банклари капитали барқарорлигини таъминлашда фойданинг аҳамиятини ошириш мақсадида қуйидаги тавсияларни ишлаб чиқишга муваффақ бўлдик:

-тижорат банклари активлари, депозитлари ва капиталнинг мамлакат ЯИМга нисбатини босқичма-босқич ошириб бориш мақсадга мувофиқ;

-банкларнинг рискли активлари ҳажмини ошириш ҳисобига уларнинг фойдасини оширишга эришиш ва фойда ҳисобидан банк капитали барқарорлигини таъминлаш мақсадга мувофиқ;

-банкларнинг ликвидли активлари банкларга даромад (фойда) келтирмаслигини эътиборга олиб, уларни хавфсиз даражагача камайтириш лозим, бу ўз-ўзидан банкларнинг реал секторни кредитлаш имконини ошириш билан бирга, уларнинг фойда даражасига ҳам иждобий таъсир кўрсатади;

-банклар капитали барқарорлигини таъминлаш нуқтаи назаридан уларнинг манбалари таркибидаги девальвация захирасини I даражали асосий капитал таркибидан I даражали қўшимча капитал таркибига ўтказиш лозим;

-банкларнинг фойдасини оширишда нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг самарали шаклларидан, хусусан, таъминланмаган аккредитив, факторингдан кенгроқ фойдаланиш лозим.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, тижорат банклари капитали барқарорлигини таъминлашда фойданинг аҳамияти жуда муҳим ҳисобланиб банкларда уни ошириш бўйича мавжуд имкониятлардан кенгроқ фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони, 2017 йил 7 феврал.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 сентябрдаги «Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3270-сонли қарори.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони 2017 йил 7 феврал.

4. sbu.uz/ (Ўзбекистон Республикаси Марказий банки вебсаҳифаси)

5. Марказий банкнинг “Тижорат банклари капиталининг монандлигига қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги Низомига (ЎзР. АВ 06.07.2015 й. 2693–сон).

6. Омонов А.А. Тижорат банкларининг молиявий ресурсларини бошқариш. Монография, 2-нашри. –Т.: “Иқтисод-Молия”. 2010. 151-б.

7. International Financial Statistics IMF, December 2017, маълумотлари асосида муаллифнинг ҳисоб-китоби.

8. Диана Мак Натон, Крис Барлтрон. Банковские учреждения в развивающихся странах. Вашингтон, ДС, IDE, 1993., с. 21.